



HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 29-fevral, chorshanba * № 9 (761) * 1996-yil dekabrda chiqarilgan boshlagan * elektron manzil: hurriyat@doda.uz * www.uzhurriyat.uz

ДИНОЗАВРЛАР ЗАМОНДОШИ


Тасавур қилинг-а, улар бундан 360 миллион йил аввал яшаган. Ҳозир эса океан тубида сузиб юрибди. Япониянинг Aquamarine Fukushima тадқиқот маркази кистеперия гуруҳига мансуб латимерия балигининг бир вакилини видеотасмага олишга муваффақ бўлди. Қизиғи шундаки, бу балиқ тури бундан 80 миллион йил аввал йўқолиб кетган, деб ҳисобланарди.



⇒ 5-бет

БИОНИКА — ТАБИАТДАН АНДОЗА ОЛИБ...

Бионика биологик системалар ва улар элементларининг тузилиши, фаолияти принципларини ўрганоди. Айни пайтда бионика биология, математика ва техника тармоқларига бўлинади. Шунинг учун ҳам унинг рамзи сифатида хирургик скальпель, интеграл ва электр паяльник олинган.



⇒ 6-бет

САДОҚАТ

Ҳар тонг майсалар япроғига эрканланганча инадиган шабнам томчилари Наврўзгулни бугун эрта уйғотди. Кўёш ўзининг ёқимли, илқ нурлари ила бутун мавжудот бошини аста силар, мусаффо тонг нафасидан огоҳ этарди. Унинг меҳрли тафти Наврўзгулни бутун вужудига ором бағишлаб, тетиклантирди.



⇒ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

* 22 февралда “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш - мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт” мавзuidaги халқаро конференциянинг якуний ҳужжати - резолюцияси матбуотда эълон қилинди.

* Мамлакатимизга ташриф буюрган Финляндия Республикаси Олий маъмурий суди президенти Пекка Илмари Халлберг, Ташқи ишлар вазирлиги ва Хельсинки университети вакиллари билан иборат Финляндия Республикаси делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий судида бўлди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Финляндия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўпайиб соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимида ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

* 27 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Мустақкам оила йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарори матбуотда эълон қилинди.



«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доний хамроҳи.



Қарор ва ижро

— Бизнинг мактабдан ташқари таълим муассасамиз олдиға қўйилган асосий вазифа — болаларнинг қизиқиш ва интилишларидан келиб чиққан ҳолда, ижодий ва бадиий қобилиятларини шакллантириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишдан иборат, — дейди «Баркамол авлод» республика болалар маркази раҳбари Дониёр Эрматов. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралда қабул қилинган «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори таълимнинг ушбу йўналишини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.


Болалар марказида 42 тўғарақ фаолият кўрсатмоқда, шулардан 19 таси бадиий йўналишдаги тўқиш, бичиш-тиқиш, тасвирий санъат, архитектура, ҳайкалтарошлик, ёғоч ўймакорлиги, либослар модели ва дизайни, қандолатчилик ва пазандалик, матоларға мунчоқ қадаш, «Моҳир қўллар» тўғарақлари, доирачилар, «Юлдуз» ва «Наврўз» раққосалар ансамбллари дидир.

Болалар марказида 42 тўғарақ фаолият кўрсатмоқда, шулардан 19 таси бадиий йўналишдаги тўқиш, бичиш-тиқиш, тасвирий санъат, архитектура, ҳайкалтарошлик, ёғоч ўймакорлиги, либослар модели ва дизайни, қандолатчилик ва пазандалик, матоларға мунчоқ қадаш, «Моҳир қўллар» тўғарақлари, доирачилар, «Юлдуз» ва «Наврўз» раққосалар ансамбллари дидир.

2 »

Марказ ёш иқтидор эгаларига қанот бахш этмоқда

«Баркамол авлод» республика болалар марказида Наврўз байрамини нишонлашға қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ушбу яшариш ва янгиланиш айёмига бағишланган турли тадбирлар ва концерт дастурларида бу ерда шуғулланаётган 50 нафардан зиёд ўғил-қизлар иштирок этади.



Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

САНОАТНИНГ АЖИБ ДИЁРИ

(“Замондоши и портретиға чи згилар” китобидан)

Навий вилояти майдони 111 минг квадрат километр, Ўзбекистон ҳудудининг қарийб тўртдан бир қисмини ташкил этади. Ўзимча, юртимизнинг бу пучмоғини саноатнинг ажиб диёри деб юраман. Мўъжизаларға тўла гаройиб бир музофот, ҳудуд кўз олдимда бутун бўй-басти билан намойён бўлади.

Авалло, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири номи билан аталган обод ва муҳташам Навий шаҳрини таърифламоқ жоиз. Шаҳарнинг равон кўчалари, чиройли андозада бўй чўзган маҳобатли биноларини ойнаи жаҳон тасвирларида, газета-журналлар саҳифаларида илк бор кўрганимда, ҳавас билан қараб, бу қайси шаҳар экан, деб юрганим эсимда.

Очерк



3 »

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳудудий бўлимларида

Андижон: ОАВ фаолиятини ривожлантириш истиқболлари

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини одамларнинг фикр ҳамда мулоҳазаларини эркин ифода этадиган минбарға айлантириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Давлатимиз раҳбари кўп бор қайд этганидек, оммавий ахборот воситаларини либераллаштирмай, улар фаолиятини замон талаблари даражасида ривожлантирмай туриб, мамлакатда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг фаоллигини ошириш, сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокини таъминлаш мушкул кечади. Бу борадаги саъй-ҳаракатларда давлат ва барча нодавлат тузилмалар қаторида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳам фаол иштирок этмоқда. Қуйида “Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳудудий бўлимларида” рўқни остида уюшманинг ҳудудий бўлимлари фаолияти, журналистлар ҳаётида юз бераётган янгиланишлар ҳақидаги суҳбат ҳавола этилмоқда.

Рўқни меҳмони — ижодий уюшманинг Андижон вилояти бўлими раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Назиржон Сандов.

— Назиржон Шамсутдинович, мустақиллик йиллари мамлакатимиз ҳаётида асрларға тенг ўзгариш ва юксалишлар рўй берди. Албатта, бундан оммавий ахборот воситалари ҳам четда эмас.

— Жуда тўғри айтасиз. Истиклол йилларида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, демократлаштириш ва либераллаштириш йўлида кўламли ишлар амалға оширилди. Юртимизда ахборот соҳасининг самарали фаолият юритиши, оммавий ахборот воситаларининг жадал ривожланишиға хизмат қилувчи бир қатор қонун ҳужжатларининг қабул

қилингани тараққийтимиз омил бўлмоқда.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги ўсиш-улғайиш, эришилаётган ижобий натижаларни мамлакатимизнинг барча минтақаларида, жумладан, вилоятимизда ҳам яққол кўриш мумкин. Бундан ўн беш йил илгари 18 та газета ва журнал нашр этилган бўлса, бугун уларнинг сони 35 тага етди. Босма нашрларнинг 13 таси нодавлат газета ва журналлардир. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ҳудудда бор-йўғи битта давлат телерадиоси фаолият юритган бўлса, бугун Андижонда 3 та телерадиокомпания ишлаб турибди.

4 »

Марказ ёш иқтидор эгаларига қанот бахш этмоқда

(Бошланғич 1-бетда.)

Маълумки, рақс дўстлик туйғуларини сўзсиз ифодалаш қудратига эга. Ҳуқуқларимизнинг кўпчилиги рақс санъатини эгаллашдан ҳаётдаги асосий мақсадларидан бири деб билса, баъзилари фақат чиройли уйинга тушишни истайди.

Ҳозир тўғаракларга қарийб 800 нафар бола қатнашмоқда. Улар билан 42 нафар тўғарак раҳбарлари ва 9 нафар методистлар машғул олиб бормоқда. Болалар маркази тарбияланувчиларнинг сони мунтазам ортиб бораётган. Бу маҳалалар, жамоат ташкилотлари ва мактаблар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилиб, уларда маданий-маърифий тадбирлар ва маҳорат дарслари ташкил этилаётгани самарасидир.

— Ҳозир ҳам бир вақтлар ёғоч ўймакорлиги тўғарага қатнаганман, энди эса болаларга билим ва тажрибаларини ўргатайман, — дейди Саидкомил Ҳўжаев. — Отам ўймакор уста бўлган ва мен ҳам миллий ҳунармандчилигимиз аъёнларини муносиб давом эттириш учун ҳаракат қилмоқдам.

Шоғирларимнинг кўпчилиги мураккаб деталлар ва буюмлар, масалан, анъанавий қопқоқли қаламдонлар ва яхлит ёғочдан кўп погонали лавҳлар ясашни била-

ди. Уларнинг маҳорат ва кўникмалари кўплаб кўрик-танловларда кўри баҳоланиб келмоқда.

«Баркамол авлод» маркази тарбияланувчиларнинг кўпчилиги бадий ижод йўналиши бўйича ташкил этилган миллий ва халқаро танловларда совринли ўринларни эгаллаган.

— Ёғоч ўймакорлиги тўғарага 2004 йилдан бери қатнашаман, — дейди 9-синф ўқувчиси Абдурахмон Ҳожимуродов. — 2009 йили бўлиб ўтган «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивалида ишларим биринчи ўринга лойиқ топилди. Ўз ишларимда анъанавий ва замонавий йўналишларни уйғунлаштиришга ҳаракат қиламан. Бу эса жозибали буюмлар ясашимга ёрдам беради.

Буларнинг барчаси мактабдан ташқари таълим ёш авлодни тарбиялаш ҳамда бой миллий анъаналаримиз ва маданиятимизни асраб-авайлашда муҳим ўрин туттишдан далоятдир.

Роман БОНДАРЧУК,
Ўза мухбири

Суратларда: «Наврўз» раққосалар ансамбли аъзолари; марказ аъзоси Шаҳризада Абдуллажонов.

Асқар ЁҚУБОВ (Ўза) олган суратлар

Ишбилармонлик «ШИБЗОН» иссиқхоналари

Инсон ўз турмушини яхшилаш, шарт-шароитларини бекаму кўст қилишга доим интилиб келган. Нимадир янгилик қилади, излашнишлар олиб боради.

Кармана туманидаги «Жалойир» кишлоқ фуқаролар йиғинига қараши «Шибзон» маҳалласида айни пайтда йиллар мобайнида тажрибадан ўтган лойиҳа амалга татбиқ этилмоқда. Бу ерда тобора оммалашиб бораётган траншея усулидаги иссиқхоналарда



Мазрифат ШАРИПОВА

Тадбир

Ёшлар саломатлиги йўлида

Қуни кеча Ўзбек миллий академик драма театрида Ибн Сино жамоат фондининг Тошкент Тиббиёт академияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказган тадбирда соғлом турмуш тарзини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этиш, рационал овқатланиш, гиёҳвандлик ва кашандаликка қарши кураш масалаларига атрафлича тўхталиб ўтилди. Хусусан, гиёҳвандликка қарши курашишга бағишланган роликлар йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Тадбирнинг асосий мақсади ёшлар онгига соғлом турмуш тарзи асосларини кўргазгани воситалар орқали етказишдан иборат эди. Шунингдек, унда тиббий маданиятни ошириш ва ёшларни соғлом, мустаҳкам оила қуришларига тайёрлаш масалалари ҳақида ҳам мулоҳазалар билдирилди. Тадбирда қатнашган бир қатор олий ўқув юрти талабалари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Бундай йиғинларни келажақда вилоятларда ҳам ўтказиб туришига келишиб олинди.

Анжуман сўнггида Ўзбек миллий академик драма театри актёрлари томонидан сахналаштирилган спектакль намойиш этилди.

Давронбек ОРИПОВ, «Hurriyat» мухбири

Солиқ ва ҳаёт

Электрон имзо афзаллиги

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларининг давлат солиқ органларига жорий этилиши тизим хизмат кўрсатадиган, у билан ҳамкорликда ишлайдиган барча муассасаларга, аҳолига, айниқса, солиқ тўловчиларга катта қулайликлар тўғрисида.

Улардан бири давлат солиқ хизмати органларига молиявий ҳисобот, солиқ, мажбурий тўлов ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китобларни жўнатиш ва рўйхатдан ўтказишнинг дастурий тартибларидир. Бундай иш усулини Жиззах вилоят Давлат солиқ бошқармаси ва унинг қуйи органлари ҳамда уларга ҳисобот топширувчи солиқ тўловчилар тез ва муваффақиятли ўзлаштириб олдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

да»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 4 августдаги «Солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва давлат солиқ хизмати органларининг ахборот тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори солиқ

хизмати органларининг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ахборот хизмати кўрсатиш йанада такомиллаштириш имконини бериб, ҳўжалик юртувчи субъектлар томонидан молиявий ҳисобот ва ҳисоб-китоблар тақдим этишда электрон ҳужжат айланishi жараёнларини тезлаштирди.

Электрон кўринишда ҳисоботларни топширувчиларнинг сафини кенгайтириш учун бугунги кунда вилоятда юз бераётган янгиликларни солиқ тўловчиларга тезроқ етказиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида тарғибот-ташвиқот ишлари фаол олиб боришмоқда. Узоқ кишлоқ жойларида солиқ тўловчиларга Интернет тизимини яқинлаштириш ва дастурий тартиблардан фойдаланиш имкониятлари тўғрисида туркум семинарлар ўтказилмоқда.

Электрон рақамли имзо электрон ҳужжатнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган бўлиб, ахборот

электрон рақамли кўринишда берилгани боис унинг бузилмаглигини аниқлаш имконини яратди ва жўнатишган ҳисоботдаги маълумотларни давлат солиқ инспекциясига узатишнинг хавфсизлиги ҳамда сир сақлашни таъминлайди. Бундан ташқари, унинг бир шахснинг электрон ҳужжатни жўнатувчи ва уни олувчи ўртасидаги ахборот айирбошлашга руҳсатсиз киришга имкон бермайди.

Сир эмаски, бухгалтерлар учун ҳисобот муддатининг охириги кунлари оғир кечади. Чунки ДСИда навбат кутуши, иши кунининг охиригача ҳисоботни топширишга улгурмаслик каби ҳолатлар уларни толиқтириб қўяди. Эндиликда энг қулай йўли, бу — ҳисоботларни электрон кўринишда тақдим қилишидир. Шу боис, мазкур янгилик жойларда кенг қанот ёймоқда.

Абдусаттор ИСЛОМОВ,
Жиззах вилоят ДСБ бўлим бошлиғи

Тарғибот самара бермоқда

Интернет тармоғига уланган юридик қорхона ва ташкилотлар учун soliq.uz, hisobot.uz ва e-hisobot.uz сайтлари яратилган бўлиб, уларга солиққа оид барча ҳисобот шакллари киритилган. Солиқ тўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида туман ДСИ томонидан ушбу дастурий маҳсулни кенг жорий этиш ва ундан солиқ тўловчиларнинг самарали фойдаланишларини таъминлаш мақсадида бир қатор тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, жойларда электрон кўринишдаги ҳисоботларни тақдим этиш, ундан фойдаланиш тартибини тушунириш юзасидан семинарлар ўтказилмоқда.

Туманда солиқ тўловчилар ўртасида олиб борилган тарғибот ишлари натижасида жорий йилнинг 15 февраль ҳолатига 3930 та ҳўжалик юртувчи субъектга электрон рақамли имзо берилди, 2369 та қорхона томонидан солиқ инспекциясига электрон кўринишдаги ҳисоботлар тақдим этилмоқда. Бу ҳўжалик юртувчи субъектларнинг солиқ органига келиб ҳисобот топширишлари учун сарфланган вақтларини тежашга хизмат қилмоқда.

М.ҲОШИМОВ,
Миробод тумани ДСИ бўлим бошлиғи

Ҳар биримизга дахлдор

Бугунги кунда тадбиркор деган номга муносиб равишда, мавжуд шароит ва имтиёزلардан оқилона фойдаланган юртдошларимизни ҳар бир жабҳада учратиш мумкин. Бироқ қонун талабларини бузишни ўзига «касб» қилиб олиб, яширинча фаолият юритаётган «тадбиркорлар» ҳам, афсуски, орамизда йўқ эмас. Шу боис, солиқ идоралари томонидан бу йўналишдаги назорат тадбирларига алоҳида аҳамият қаратиляпти. Жумладан, Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси ва унинг ҳудудий инспекциялари томонидан сохта тадбиркорликка барҳам бериш йўлида қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўтган 2011 йил давомида вилоят миқёсида яширин фаолият юритаётган 169 та цех аниқланди, улардан 4 таси спиртли ичимликлар, 18 таси ёғ, 84 таси озиқ-овқат, 63 таси эса ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётгани аниқланди. Фош этилган мазкур хуфиёна фаолиятлар натижасида 102 шахсга нисбатан текшириш ҳужжатлари суд, 55 та ҳўжжат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилиб, 39 та ҳолатда жиноят иши кўзгатилиди.

Жорий йилнинг ўтган ойлари ичида эса 14 та яширин цех фаолиятига чек қўйилди. Ачинарлиси, уларнинг 8 таси озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан машғул бўлган. Мисол учун, Бўка туманида ўтказилган рейд тадбири натижасида фуқаро И.Мамиров ўз уйида чигит маҳсулотларидан ёғ ишлаб чиқараётгани аниқланди. Тадбир давомида 50 литр ёғ, 6 қоп чигит, 5 қоп кунжара ва турли мосламалар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. 18 январь кун Олмалиқ шаҳрида яна бир «уд-

дабурон тадбиркор»нинг яширин фаолиятига фош этилди. Маълум бўлишича, шаҳарнинг Металлург кўчаси 76-уй, 9-хонадонда яшовчи Азизжон Қорабоев ноқонуний равишда нон маҳсулотлари тайёрлаб сотиш билан шуғулланиб келган. Шунингдек, 26 январь кун Санготи туман ДСИ ҳамда туман Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ҳамкорликда ўтказилган рейд тадбирида «Кўктерак» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида фуқаро Абдураҳим Азизов давлат рўйхатидан ўтмасдан, ҳеч қандай ҳўжжатларсиз дизел ёқилғиси сотиш билан шуғулланиб келганлиги аниқланди.

Хуфиёна фаолият — мамлакат иқтисодиёти учун хавфлидир. Айниқса, бундай йўл билан ишлаб чиқарилган истеъмол товарларининг сифат даражаси паст — инсон саломатлиги учун ўта зарарли. Шундай экан, бундай фаолиятга қарши кураш, уни таг-томири билан йўқ қилиш нафақат давлат назорат идоралари ходимлари, балки ҳар бир юртдошимизга дахлдор вазифа ҳисобланмоғи даркор.

Тошкент вилояти ДСБ Ахборот хизмати

Партия фаолиятдан

Ҳўнармандларни қўллаш ниётида

Халқимизда «Ҳўнари йўқ кишининг унуми йўқ ишининг» деган ажойиб мақол бор. Бу қачонлардир бирор ҳўнарни эгаллашга бўйин ёр бермаган ялқовларга касб-ҳўнарли бўлиш ҳаётий зарурат эканини аниқлаштириш учун айтилгандай гўё. Чиндан ҳам ҳўнар инсонга, унинг оиласига қут-барака, иззат-ҳўрмат олиб келиши бор гап.

Бугун юртимизда ҳар бир инсоннинг ўзи хоҳлаган илмини эгаллаши, пиروварида, бирор ҳўнарнинг бошини тутуши учун қўллаб имкониятлар яратилган. Бундан ўз ўрнида, оқилона фойдаланганлар эса ҳавас қиладиган даражада турмуш кечиришяпти. Илгари ҳўнар соҳиблари ўза билганларича, тарқок ҳолда фаолият олиб боришганини катта авлод вақиллари яхши билишяпти. Бу каби ҳолатларга барҳам бериш, уларнинг бошини бириктириш мақсадида 1997 йилнинг 31 мартда Юртбошимиз томонидан «Халқ амалий санъати ва бадий ҳўнармандчилигини ривожлантириш» фаолиятини ривожлантириш ниётида фаолият олиб боришганини катта авлод вақиллари яхши билишяпти.

Ҳўнармандларнинг ўз авлоди билан ҳамкорликда «Халқ амалий санъати ва бадий ҳўнармандчилигини ривожлантириш» фаолиятини ривожлантириш ниётида фаолият олиб боришганини катта авлод вақиллари яхши билишяпти. Бу каби ҳолатларга барҳам бериш, уларнинг бошини бириктириш мақсадида 1997 йилнинг 31 мартда Юртбошимиз томонидан «Халқ амалий санъати ва бадий ҳўнармандчилигини ривожлантириш» фаолиятини ривожлантириш ниётида фаолият олиб боришганини катта авлод вақиллари яхши билишяпти.

халқ амалий санъати ҳамда бадий ҳўнармандчилик аъёнларини келажақ авлодга бус-бутун етказиш, амалий санъат мутахассислари, ижодкор ёшлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, халқ амалий санъати, бадий ҳўнармандчилик билан машғул ёшларни моддий, маънавий рағбатлантиришда, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда амалий ёрдам кўрсатиш каби вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Анжуман республикамизда фаолият юритаётган таниқли усталаб ҳамда ёш ҳўнармандларнинг тайёрлаган маҳсулотлари намойиши билан бошланди. Унда намойиш этилган қўл меҳнати намуналарида халқимизнинг бой маданий мероси, миллий аъёнларини ўз аксини топти.

Шу ўринда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам халқ ҳўнармандчилигига ҳам «Уста-шогирд» аъёнларини сақлаш ҳолда уни янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга кўмаклашишда изчил чоралар, амалий саъй-ҳаракатлар олиб бораётганини қайд этиш ўринли.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
«Hurriyat» мухбири



Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда «Ҳўнарманд» уюшмаси аъзоси Фарғоналик Зокиржон Гофуров мазор ҳўнармандлардан.

Устанинг қўлида сайёал топган мисгарлик буюмлари бетакоранги билан юртимизда ва қўллаб-қувватлаш, тарғибот ишлари ушбу мақсадда ўтказилган кўргазмаларда намойиш этилган. Қандақорлик шўхратини янада

юксалтириш, авлодларга мерос сифатида етказишни мақсад қилган З.Гофуров «Уста-шогирд» аъёнлари асосида ўз ҳўнари сир-асорларини ёшларга ҳам ўргатмоқда.

Суратда: фарғоналик қандакор уста З.Гофуров ўғли Фирдавс билан.

М.ҚОДИРОВ (Ўза) олган сурат

Андижон:

ОАВ фаолиятини ривожлантириш истиқболлари

(Бошланғич 1-бепда.)

Уларнинг эфир вақти эса ўн бараварга ортди.

Вилоят газеталарининг моддий-техника базаси мустахкамланган, телерадиокомпанияларнинг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган мустақиллигимиз шарофати, десам муболага бўлмайди. Бугун «Андижон наشريёт-матбаа» масъулияти чекланган жамият босмахонасида нафақат Андижон, балки қўшни вилоятлар газеталари ҳам чоп этилаётгани эътиборга лойиқдир.

— Ана шу ўсиш-улгайишлар, эришилган ютуқларда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан олиб борилган ташкилий-сиёсий, маънавий-маърифий ишларнинг ахамияти катта экани сир эмас. Бу борада ижодий уюшманинг вилоят бўлими амалга ошираётган ишлар ҳақида ҳам гапирсангиз.

— Маълумки, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг асосий эътибори журналистларнинг мавқеини кўтариш, шаъни ва кадр-қимматини, давлат, шунингдек, жамоат ташкилотлари, муассислар ва ноширлар олдига ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашишга қаратилган. Амалий фаолиятида ана шунга таомилларга асосланган бўлишимиз бугунги кунда ўз сафида 317 нафар журналист, матбаачи, матбуот таркатувчи ва жамоатчи мўбирни бирлаштирган. Утган йили уларнинг сафи 30 нафарга ортди. Ижодий жамоаларга ишга келган ёш қаламкашлар, жамоатчи мўбирлардан уюшма аъзолигига қабул қилинди.

Бошланғич журналистик ташкилотларнинг асосий эътибори биринчи навбатда ижодий жамоаларда соғлом муҳитни муҳофаза қилиш, касбий танловларда журналистларнинг фаол иштирокини таъминлаш, қаламкашнинг захматли меҳнатини қадрлашдан иборат бўлмоқда. Шу ўринда вилоятдаги ОАВда узоқ йиллар ҳалол ишлаган журналистлар, матбаачиларни эъзозлаш маросимларини ташкил этишда муассислар билан ҳамкорлик тора мустахкамланаётган эътироф этиш лозим. Утган йили вилоятдаги ОАВ, наشريётлар, босмахоналарда ишлаган ва ишлаётган ҳамкасбларимиздан 24 кишининг таваллуд саналари муносабати билан тантанали кечалар ўтказилди.

Уюшманинг вилоят бўлими матбуотда узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилиб, пенсияга кузатилинган қариялар ҳол-аҳолидан хабар олишда ҳам ташкилотчиликни ўз қўлларига олган. Бугунги кунда вилоятда соҳа фахрийлари саналган 79 нафар қария Хотира ва қадрлаш байрами, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунда ана шундай эътибордан баҳраманд бўлмоқдалар.

Бўлим раёсати вилоятнинг бош наشري ҳисобланган «Андижоннома» газетасининг 90, «Андижанская правда» газетасининг 95 йиллиги муносабати билан ўтган йилнинг апрель, май ойларида 14 жойда ижодий учрашувларини ўтказди. Бу йилларда 3000 га яқин газетон иштирок этди. Айниқса, Балиқчи, Пахтабод, Шахрихон, Қўрғонтепа туманларида бўлган учрашувлар матбуотчилар ва газетонларнинг байрамга айланиб кетди.

Хотира ва қадрлаш кунига атаб «Андижоннома» ва «Ан-

дижанская правда» газеталари соврини учун югуриш бўйича 64-анъанавий мусобақа ўтказилди. Унда вилоятдаги 80 жамоадан 600 дан зиёд спортчи иштирок этди.

Уюшма вилоят бўлимининг бошқа жамоат ташкилотлари билан алоқалари ҳам тора мустахкамланиб бораётир. Бу эса ҳамкорликда ўтказилган тадбирларимизда яққол ўз ифодасини топмоқда. Мана, 3 йилдирки, вилоят хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда босма ва электрон ОАВда меҳнат қилаётган хотин-қиз журналистлар спартакиадасини ўтказиш аниқнага айланиб қолди. Бундай ҳамкорлик гоявий-сиёсий ишларимизни жонлантиришда янада яхши самаралар бераётир. Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими, «Маънавият ва маърифат» кенгаши вилоят бўлими билан ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирларимиз жуда фойдали бўляпти. Айниқса, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг оммасига етказишда журналистлар фаолиятини таъминлашга алоҳида эътибор бердик. Концепциянинг III бўлимида илгари сурилган гояларни ОАВ ижодий жамоаларига етказиш, тушунириш юзасидан режалар иш ташкил этилди. Бу ишга вилоятдаги давлат ва нодавлат ОАВ раҳбарлари, тажрибали, сиёсий жиҳатдан етуқ журналистлардан 30 нафарни жалб этилди.

Концепцияда асосланган маънавий-маърифий ишларимиз қабул қилиниши белгиланган қонунлар юзасидан 50 га яқин тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Шу билан бирга, ОАВда бе-



риляётган Концепция тарғиботига бағишланган мақола, эшитириш ва кўрсатувларнинг мазмун-мундарижасини бойитиш, савиясини оширишга ҳам эътибор қаратилди. Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси билан ҳамкорликда шу масалага бағишланган йиғилишлар ўтказилди. Бу йиғилишларда долзарб сиёсий мавзунинг ёритилиши тажрибали оммалаштирилди, камчиликларни тугатиш юзасидан муҳим тавсиялар берилди.

— **Оммавий ахборот воситалари ижодий ва техник ходимларнинг касб маҳорати ни оширишга кўмаклашиш Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг асосий вазифаларидан бири саналади.** Шу ҳақдаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз...

— Ижодий уюшма сифатида ташкилотимизнинг номи иш йўналишимизга жуда монанд. Кейинги йилларда, соддарок, қилиб айтганда, ҳамкасбларимиз қаламкашнинг қайрилишида уюшмамиз саъй-ҳаракатлари кўзга тора яққол ташланиб бормоқда. Буни йил сайин яхши тайёргарлик ва ушқоқлик билан ўтказилаётган ижо-

дий танловлардан ҳам билиш мумкин.

«Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов иштирокчилари сони 2010 йилда 12 нафарни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу 19 нафарга етди. Уларнинг сафида изобсканлик тажрибали журналист Йўлдошимирза Исоқжоновнинг бўлиши ҳаммамизга мамнунлик бағишлайди.

Аниқнавий «Энг улуг, энг азиз» танлови ҳар йилгидан кўтаринки руҳда ўтказилди. Унинг вилоят босқичида қатнашган 37 нафар журналистдан 14 нафарининг ижодий иши республика танловига тавсия этилди. «Андижанская правда» газетаси фотомўбири Азамат Тошматов ушбу танловнинг голиби бўлди. Унинг вилоят босқичида қатнашган журналистлардан 20 нафарни бўлимининг қимматбахо мукофотларига сазовор бўлди.

2011 йилги «Келажак овози» ёшлар мегатанловига «Олтинқўл» газетаси мўбири Зидода Турсунбекова «Бадий ижод ва публицистика» йўналиши бўйича республикада биринчи ўринни эгаллагани биз учун қувончлидир.

Ўз навбатида, уюшманинг вилоят бўлими ҳудудий тан-

ловларни ўтказишга ҳам жиддий эътибор бераётир. Масалан, уч йилдан буён Андижонда «Ўтқир қалам соҳиби» ижодий танлови ўтказиб келинмоқда. Унинг ўтган йилги қўригида 59 журналист қатнашди ва 17 таси фахрий ёрлиқлар билан сазовор бўлди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Қадри баланд бўлсин ўзбек аёли» ижодий танловининг нуфузи ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Журналистлар малакасини ошириш, улар сафини иқтидорли ёшлар билан тўлдириб, вилоят марказида 8 йилдан буён фаолият олиб бораётган «Маҳорат мактаби» муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Наҳмиддин Эргашев, Саидҳаммад Шукров сингари тажрибали журналистлар бошқараётган бу мактабимизни бугунги кунда қадар 200 дан зиёд йигит-қиз битириб чиқди.

Маҳорат мактаби битирувчиларидан ҳисобланган Рўшана Султонова ва Юлдузой Ўрмонованинг Зулфия номидagi давлат мукофотига сазовор бўлгани, Нозимжон Ашуралиев, Зулхумор Акбарова каби ўнга яқин ёш қаламкашларнинг Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетига кириб ўқиётгани захматкаш устозлар меҳнатининг самараси, албатта.

Сўнги пайтда ана шундай маҳорат маркази шоҳобчалари вилоятдаги олти туманда ҳам ташкил топди. Мақсадимиз улар сафини янада кўпайтириш орқали иқтидорли ёшларни савимишга тортишдан иборат.

— **Жорий йил мамлакатимизда Мустақкам оила йили сифатида эътироф этилди.** Илимизнинг бош мавзусини малакали ёриштишда жон қуйдираётган

Суратда: андижонлик журналистлар орасида «Олтин қалам» 1 миллий мукофотида сазовор бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдумул Абдуллаев меҳнат фахрийси, тажрибали ҳуқуқшунос Абдулхай Рузиев билан суҳбатда.

Суҳбатдош: Мавжуда Йўлдошова

Хабар

Фаолият таҳлили

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Васийлик Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамоат фонднинг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, 2012 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастури ва бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Фонд томонидан ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг иқтисодий бюромасига асосан босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари журналистлари, техник ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ишига устувор вазифа сифатида қаралиб, 30 дан ортиқ ўқув семинарлари, давра суҳбатлари ташкил этилди. Бундан ташқари, ушбу бюромта асосида бир қатор таҳрирлар моддий-техник базаси мустахкамланди, улар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий қилинди, методик қўлланмалар яратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган, хусусан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кафолатлари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари ва ахборот олиш соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги лойиҳаларининг кенг жамоатчилик ўртасида муҳокамасини ташкил қилиш мақсадида ўндан ортиқ республика миқёсидаги конференция ва семинарлар ҳамда иккита халқаро анжуман ўтказилди.

Республикада биринчи мартаба «Ўзбекистон матбуоти» миллий форуми ва кўрғазмаси ташкил қилинди. Унда мамлакатимиздаги 600 га яқин босма ОАВ, полиграфия ташкилотлари ва ноширлик уйлари иштирок этди.

Йиғилишда васийлик кенгаши томонидан «Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонднинг 2012 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастури» тасдиқланди. Жамоат фонди жорий йилги фаолиятида журналистларни қайта тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш, ўқитиш жараёнига профессионал, катта тажрибага эга мутахассисларни жалб қилиш ва илгор педагогик технологияларни қўллаш, дунё ахборот соҳаси ютуқларини чуқур ўрганиш, маҳаллий журналистларнинг етакчи хорижий наشريларда малака ошириш тизимини йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги таъкидланди.

Лобар РАҲИМЖОНОВА

ННТ самарадорлигини юксалтириш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш иштирокчилари мамлакатни модернизация қилиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда, иқтисодий, маданий, гуманитар, социал соҳалардаги энг муҳим вазифаларни амалга оширишда ННТ иштироки самарадорлигини янада юксалтириш қаратилди.

— Утган 2008-2011 йиллар давомида Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан 15 миллиард сўм миқдоридagi маб-

давимида грант танловларида голиб бўлган 30 га яқин фуқаролик жамияти институтлари лойиҳаларининг якуний ҳисоботларини Жамоат фондига белгиланган муддатдан кечиктиб тақдим этган, 19 та ННТ томонидан эса ушбу ҳисоботлар бугунги кунга қадар тақдим этилмаган. Қўрилган чоралар натижа-сида ишлатилмаган 60 миллион сўм маблағ Фонд ҳисобига қайтарилган. Мониторинг ишлатилган 30 миллион сўмдан ортиқ пул маблағларини қайтариш чоралари белгиланди.

Тадбир сўнггида кўриб чиқилган масалалар юзасидан Парламент комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

миллий валютадаги янги муддатли омонат амалга киритилганлиги тўғрисида маълум қилади:

«МУСТАҲКАМ ОИЛА»

- ✱ сақлаш муддати — 9 ой;
- ✱ ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади; (олинмаган фоизлар капиталлаштирилмайди)
- ✱ бошланғич бадал миқдори чегараланмаган;
- ✱ омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- ✱ омонат 25 йил ёки ундан ортиқ бирга яшаган эр-хотинлар учун очилади.

Омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йилнинг 21 мартига қадар амалга оширилади

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин. www.nbu.com


Реклама ўрнида



Дараклар

Ўғри амалдор

Германияда чоп этиладиган «Waldeckische Landeszeitung» нашрининг хабар беришича, Гессен федерал худуди илм-фан ва маданият вазирлигининг 45 ёшли амалдори кутубхоналардан 5 мингга яқин китоб ўғирлаганликда айбланмоқда.




Полиция амалдорни Бад-арользенск қасри кутубхонасидан 53 та китобни ўғирлаб кетаётган пайтда, жиноят устида қўлга олган. Бундан сал аввал ушбу кутубхонадан йўқолган 31 та китобни топшилинжида ўғри амалдорнинг уйи текширилган. У ердан қидирилган адабиётлардан ташқари турли илмий мавзуларга оид 5 мингга яқин китоб топилган.

Полициячиларнинг сўзларига қараганда, амалдор асосан минералогия, геофизика ва табиатшуносликка оид ноёб китобларга «қизиққан». Тахминий ҳисоб-китобларга қўра, ўғирланган китоблар қиймати бир неча миллион еврога тенг.

Миясиз яшаб бўладими?

Мия инсоннинг энг муҳим аъзоси. У тўғридан-тўғри танани бошқаради, онг ва ҳис-туғулларни ишга солади. Олимлар яқин-яқингача ана шундай фикрда эди, ammo...


Карлос Родригес исмли америкалик фуқаро шу кунгача деярли миясиз яшаб келмоқда. Даҳшатли автохалокат сабаб бош суяги қутисидан арзигулик нарса қолмаган бу кимсани бош кийими билан бошқа одамлардан ажратиш қийин.



Маълум бўлишича, XVI асрда бош суяги қаттиқ жароҳатланиб, уч йилдан сўнг ҳаётдан кўз юмган боланинг боши ёриб ўрганилганда унинг мияси йўқлиги аниқланган. Қандай қилиб у уч йил мобайнида яшаган бўлиши мумкин. Бир қатор олимлар танада «қорин мияси» мавжуд деб тахмин қилишади. Ҳақиқатан ҳам ошқозон ва ичакларда тахминан 100 миллион нерв тўқималари борки, улар кўрсаткичи бўйича орқа мия тўқималаридан ҳам кўп. Родригес эса миясининг 60 фоиздан айрилиб қолган бўлса-да, унинг шахсиятига ҳеч қандай путур етмаган, хотираси ва хатти-ҳаракатида ноқислик сезилмайди. Аммо у нима ҳисобига фикрлаб келмоқда? Олимлар бу саволга жавоб топиша олмайд хайрон.

ДИНОЗАВРЛАР ЗАМОНДОШИ

Тасаввур қилинг-а, улар бундан 360 миллион йил аввал яшаган. Ҳозир эса океан тубида сузиб юрибди. Япониянинг Aqumagane Fukushima тадқиқот маркази кистеперия гуруҳига мансуб латимерия балигининг бир вакилини видеотасмага олишга муваффақ бўлди. Қизиги шундаки, бу балиқ тури бундан 80 миллион йил аввал йўқолиб кетган, деб ҳисобланарди.



Узунлиги 31,5 сантиметрдан иборат сергўшт балиқнинг танаси кўк тусдаги тангачалар билан қопланган. Безакдор жуфт сузгичлари ва уч парракли думи унга кўрк бағишлайди. Олимлар бу жонзотга Индонезиянинг Сулавеси ороли яқинида дуч келишди. 20 дақиқалик тасвирда «тирик топилма» қоялар орасида 161 метр денгиз тубида ҳамон сузиб юрибди.

Олимлар ноёб балиқнинг яшаш жойи ва нима билан озикланишини билиш учун уни кузатишда давом этмоқда.

СЕРБИЯ ЕВРОХУДУДГА КЎШИЛМОҚЧИ

Евроиттифоққа кирувчи мамлакатлар ташқи ишлар вазирлиги Сербияни ўз таркибига қўшиб олиш истагида. Бу ҳақда «France-Presse» агентлиги хабар тарқатди. Франция ташқи ишлар вазири Ален Жюппенинг сўзларига қараганда, айни пайтда Евроиттифоқ Сербияни ўз аъзоси қилиб олишига ҳеч қандай қаршилик йўқ. Чунки мамлакат бу йўлдаги барча шартларни бажарди. Европа ишлари бўйича вазирлар

ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕСМОҚ КЕРАК



Россия Федерациясининг Тува республикасида юз берган кучли ерости силкинишлари минтақанинг энергетик хавфсизлиги мустақамлигини яна бир қарра синовдан ўтказди. Мутахассисларнинг эътирофи этишларича, республиканинг Қизил ва Шағонарсқдаги маънан эскирган, умрини ўтаб бўлган иссиқлик электр станцияларидаги ҳалокатли вазият, хусусан, 6-7 балли зилзила йирик аҳоли пунктларини катта фалокатга дучор қилиши мумкин. Бундан ташқари, Менрген дарёси сатҳининг кўтарилиши, сув тошқинлари хавфининг юзага келиши ҳам трансчегаравий дарёлар бўйида йирик гидроиншоотлар қуришда етти ўлчаб, бир кес, нақлига амал қилиш фойдадан холи эмаслигини яна бир бор тасдиқлади.

Дарҳақиқат, сув масаласи кўриш бўйича лойиҳаларнинг юзага келиши оқибатда янада долзарб аҳамият касб эта бошлади. БМТ маълумотларига қараганда, бугун дунё бўйлаб 260 дан ортик трансчегаравий дарёлар бўлиб, уларнинг 70 таси Европада, 53 таси Осиёда, 39 таси Шимолий ва Марказий Америкада, 38 таси Жанубий Америкада ва, ниҳоят, 60 таси Африкада жойлашган. Яна ҳам эътиборлиси, уларнинг 155 таси икки мамлакат ўртасида, 100 дан ортиқроғи уч ёки ундан кўпроқ давлатлар ўртасида тақсимланган. Трансчегаравий ҳавзалар Ер юзининг 45,3 фоизини қамраб олади. Бундай худудларда сайёрамаиз аҳолисининг қарийб 40 фоизи истиқомат қилиб, дунёдаги дарёлар оқимининг 80 фоизи мазкур минтақалардан ўтади. Соҳа экспертларининг хулосаларига қўра, сўнгги 50 йил мобайнида чучук сувга бўлган эҳтиёж уч баробар ортгани ҳолда экин майдонлари икки баробар кенгайгани асримизнинг ичимлик суви билан боғлиқ муаммоси тобора чуқурлашиб бораётгани ва ҳақиқатан ҳам унинг стратегик ресурсга айланаётганини курсатмоқда. Марказий Осиёнинг 60 миллионга яқин аҳолисининг сувга бўлган талабини қондириб келаётган Амударё ва Сирдарёнинг сув захиралари ҳам минтақа давлатлари иқтисодиёти, энг аввало, худуд аграр тизими аҳолини белгиловчи асосий мезон бўлиб келган. 1974 йилда Ўрта Осиё «Гидропроект» бирлашмаси томонидан лойиҳалаштирилган «Роғун» ГЭСининг Амударё ўзанига қўрсатаётган, келажакда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳамон долзарблигича қолмоқда. Баландлиги 350 метрни ташкил этиши керак бўлган тўғон қуриб битказилса, у дунёдаги энг баланд ГЭС бўлади. Мутахассислар эса, биринчидан, минтақадagi сув тақчиллиги муаммоси янада кескинлашиши, оқибатда экология ва қишлоқ хўжалигига миллиардлар долларлик зарар етишини, иккинчидан, «Роғун» ГЭСи ер қўчила-ри тез-тез содир бўлиб

турадиган ва сейсмик жиҳатдан ўта хавфли зонада жойлашганини, бундан ҳам ёмони, тўғон остида тош тузига тўлган Енашх тектоник ёриғи мавжудлигини ёддан чиқармаслик кераклигини ўқитишмоқда. Шу ўринда кейинги 10 йил мобайнида ерости силкинишларининг 30 фоизга фаоллашганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Ваҳоланки, дунёдаги энг юқори, энг катта, энг замонавий технология билан жиҳозланган ва хавфсизлиги жиҳатидан нодир деб кўкларга кўтарилган «Са-яно-Шушенск» ГЭСининг қандай хуноқ оқибатлар келтириб чиқарганига бугун ҳаммаимз гувоҳ бўлиб турибмиз. Ана шу лойиҳа ҳам бир вақтлар «узокни кўрадиган» олимлар томонидан ишлаб чиқилган эди. Экспертларнинг фикрича, худудда йирик ГЭСларга нисбатан кичик ҳажмдаги, масалан, 10 мВт қувватли гидроэнергетикани ривожлантириш мақсадаги мубофиқдир. Биргина Хитойнинг ўзида ана шундай қурилмалардан 60 мингтаси фаолият кўрсатаётгани бунинг яққол исботи бўла олади. Хуллас, ҳафта бошида Россия Федерациясининг Тува республикасида юз берган зилзила бутун Сибирь бўйлаб ўз таъсирини кўрсатганига гувоҳ бўлиб туришнинг ўзи камлик қилади. Глобал иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар кўлами она табиатнинг жамоатчиликни ҳамиша, ҳар бир ишда етти ўлчаб бир кесишга даъватидир.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

КОНТРАБАНДАНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

АҚШ адлия вазирлиги сайтида эълон қилинган маълумотларга қараганда, қора қаркидон шохлари контрабандаси билан шуғулланувчи 7 киши Лос-Анжелес аэропортида қўлга олинди.

Тинтув вақтида уларнинг ёнидан 20 та қаркидон шохидан ташқари миллион доллар, худди шу суммага тенг қуйма олтин, шунингдек, олмослар ва Rolex соатлари топилган. Бу бойлиқлар АҚШга қайси мамлакатдан олиб келингани ҳақида оғиз очилмапти.

Тахминларга қараганда, жиноятчилардан бири хитойлик Цзин Чжао Фен шохларни АҚШдан Хитойга етказиб берилишини таъминлаб турган. Қаркидон шох хитой анъанавий тиббиётида кенг қўлланилади. Бу турдаги маҳсулотга бўлган катта эҳтиёж қаркидонларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Отатбек ОТАЁРОВ тайёрлади.



«UMIDA-TRUST INVEST» масъулнати чекланган жамиятининг №000697 сонли гувоҳномаси, таъсис шартномаси ва устав низоми йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Хориж матбуоти саҳифаларида

“Die Presse” газетаси (Германия)

ҚАЛБАКИ ПУЛЛАР СИРИ

“АҚШ учун микдори 100 доллар бўлган қалбаки банкнотлар сири узок йиллардан бун жумбоқлигича қолмоқда. Улар Эрон, Шарқий Берлин ва Пхеньян орқали яна АҚШга қайтиб келмоқда”, деб ёзади “Die Presse” нашри.

1989 йили АҚШ Гравиоровка ва зарқхона бошқармаси миллий валюталар ҳисобидан янги банкнотлар чоп этиш жараёнида йўл қўйилаётган катта кўзбўямачиликни фош этган эди. Ушунда Филиппин банкларидан бири томонидан 100 долларли “супер-банкнотлар” деб номланган қалбаки пул муоамалага киритилаётгани аниқланган. Мазкур ҳолат бўйича олиб борилган текширувлар қалбаки банкнотлар оддий қозғоқ оддий дастгоҳ ёрдамида босилганини аниқлаган.

Мақола муаллифининг таъкидлашича, АҚШлик мутахассислар сохта пулларнинг муомалада тобора кўпайиб боришида эронликлардан гумондор. Мамлакатда шайхлар ҳукмрон бўлган вақтда қозғол чоп этадиган дастгоҳлар ўзлаштирилган. Ушунда ҳам мазкур дастгоҳларда сохта пуллар чоп этилган.

“Time” журнали (АҚШ)

ТОР ШИМ ВА БАЛАНД ПОШНА МУАММОСИ

Ўтирганда ё турганда, узок сафар давомида гижим бўлмайдиган жинси шимлар бир қарашда жуда қулайдек туюлса-да, унинг соғлиқ учун хавфли томонлари ҳам бор экан. Экспертлар фикрича, баланд пошнали оёқ кийим ва тор жинси шимлар инсон организми учун жиддий хавф туғдиради.



Журналист Александр Сифферлин мақолада модларнинг бир қанча хавфли томонларини таҳлил қилиб беради. Масалан, инсон тор жинси кийганда ёки шим тасмасини ҳаддан зиёд таранг боғлаганида тананинг увишиб қолиши ҳамда оёқ-қат ҳам қилиш тизими издан чиқиши мумкин. “The Wall Street Journal” берган маълумотга қўра, америкалик шифокор Октавио Бесса хатто бундай

“Frankfurter Allgemeine” газетаси (Германия)

ТЕРРОРИЗМ БАЛОСИ

Газетанинг хабар беришича, Германияда террорчилар томонидан 2000 йил сентябрь ойидан 2007 йилнинг апрелига қадар 9 нафар турк ва немис миллатига мансуб муҳожирлар ҳамда полициячилар ўлдирилган.

Шу муносабат билан пайшанба кун и мамлакатдаги қўлпала шаҳарларда мотам маросими ўтказилди. Кўчаларда ҳаракат маълум вақт тўхтади, ташкилотлар, мактаб ва олий ўқув юртиларида бир дақиқалик сунуқат ҳўкм сурди.

“Бунгача эса Жандарменмаркт майдонидаги концерт залида сиёсатчилар, марҳумларнинг қариндошлари ва бошқа хайрихоҳлар террор туфайли ҳаётдан кўз юмганлар хотирасини ёд этишди. Бу ерда канцлер Меркель вафот этганларнинг яқинлари олдида уэр сўради”, деб ёзилади мақолада.

“The New York Times” газетаси (АҚШ)

СУРИЯЛИК ЁЗУВЧИ МУКОФОТЛАНДИ

Газетанинг навбатдаги сонидан ўрин олган мақола шундай бошланади: “Россия Федерациясининг амалдаги президенти суриялик ёзувчини маданият соҳасидаги энг нуфузли мукофот — Пушкин медали билан тақдирлади. Бу мукофот ёзувчига 2001 йил 11 сентябрь воқеаларини очик-ойдин, ҳаққоний ёритгани учун муносиб кўрилди”.



Шунингдек, мақолада ўтган ҳафтада мукофотланган ёзувчи Али Окля Орсан ҳақида бошқа бир цитата ҳам келтирилади. Башен эгизаклари ҳокимият тепасидан кетганидан сўнг, 2001 йил 25 сентябрда Дамашқда чоп этиладиган “Ал-Усбу Ал-Удаби” адабий журналида адиб шундай ёзади: “Узоқ вақт нафас олмайд юрдим ва энди ўзимни қуш каби ёнгил ҳис қилаяпман”.

Россия президентининг матбуот хизмати ходими Алексей Павловнинг айтишича, Орсанни мукофотлаш тўғрисидаги қарор бир неча ой аввал қабул қилинган.

Ўзбек АСРОФОВ тайёрлади.

Билмагани билган яхши

Тараққиёт

«Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш» дегани нима?

— Айтинг-чи, «ота-оналик ҳуқуқини чеклаш» дегани нима? У қандай оқибатларга сабаб бўлиши мумкин? Н.Адашев Тошкент шаҳри

Оила кодексининг 84-моддасига асосан ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она болани шахсан тарбиялаш, шунингдек, болани фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёз ва нафақалар олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Аммо бу ота-онани болага таъминот бериш мажбуриятини оқолмайди...

Келишув бўлмаса, судга мурожаат қилинг

— Мерос тақсимлашни талаб қилишга қимлар ҳақи? Агар меросхўрлар ўзаро келишувга эришмаган бўлса, мерос қай тартибда тақсимланади? К.Азизов Тошкент шаҳри

Меросни қабул қилиб олган қонун бўйича меросхўрлардан исталган бири мероснинг тақсимлашнинг талаб қилишга ҳақи. Меросни тақсимлаш уларнинг келишувига кўра, ўзларига тегишли улушларга мувофиқ амалга оширилади.

Мерос ёки унинг бир қисми меросхўрларга улушларда муайян мол-мулк кўрсатилмасдан васият қилинган ҳолларда мерос васиятнома бўйича тақсимланади.

Ўғлинингизнинг кўшнисини ҳақ

— Ўғлим эски ҳовли сотиб олиб, ўрнига икки қаватли иморат соляпти. Ен кўшнисини унинг ҳовлига қўйи нурини тушмай, зах тортиб қолишни рўқач қилиб, иморат қуришига эътироз билдирмоқда. Акс ҳолда тегишли жойларга шикоят қилар эмиз. Бундай ҳолатда кўшнингиз шикоят эътиборга олинадими? О.Солмазов Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Вазирлиқ Маҳкамасининг 272-сонли қарори билан тасдиқланган «Якка тартибда уй-жой қурилиши тўғрисида»ги Низомга кўра, якка тартибда ишлаб чиқилган уй-жой лойиҳаси туман архитектори билан келишилиши ҳамда тегишли рухсатнома олиниши, лойиҳа шахарозлик меъёрлари ва қоидаларига мос келиши шарт.

Низомга асосан ўзбошимчалик билан уй-жой қуриш аниқланган тақдирда туман архитектура ва қурилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан бу ҳолат тўғрисида далолатнома тузилади.

Бундан келиб чиқиб айтиш мумкин, иморатни қуришдан олдин ўзингиз яшаб турган туман архитекторига мурожаат этишиңиз ва қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мос келиши тўғрисида тегишли рухсатнома олиниши керак бўлади.

Васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкни бошқариш тартиби

— Васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкни бошқариш қай тартибда амалга оширилади? Шу ҳақда тушунча берсангиз. А.Шарипов Тошкент шаҳри

Оила кодексининг 183-моддасига асосан васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкни бошқариш мол-мулк жойлашган ерда ўрнатилади.

Васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулк, пул ва бошқа қимматли буюмларни бошқариш, сақлаш, уларга тегишли мол-мулкни бошқарува ўтказиш билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни бажариш тартиби ҳамда шартлари, шунингдек, васийлик ва ҳомийликдаги шахсларнинг мол-мулкни бошқариш ва сақлаш бўйича васий ва ҳомийларнинг ҳисобот бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Суднинг шахсни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги ёки уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги ёхуд мерос олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори бекор қилинганда мол-мулкни бошқариш ҳам бекор қилинади.

Кўпчилигимиз навбатдаги ичимлик идишини бўшатиб, дуч келган томонга улоқтирар эканмиз, унинг бутунлай емирилиб кетиши учун йиллар эмас, балки асрлар кераклигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Келинг, бу масалага атрафличча қизиқиб, чуқур ёндашиб кўраимиз.



Мутахассисларнинг аниқлашича, шиша буюмлар оз эмас-кўп эмас, нақд бир миллион йил «яшаркан». Чунки қуриш кватр қумидан тайёрланади ва турли таъсирларга чидамли бўлади.

низмлар таъсирида парчаланмаслиги сабабли бундай кўринишдаги чикиндилар шунча вақт сақланиб қолавереди. Шиша ва елимга нисбатан алюмин камроқ — 80 йилдан 200 йилгача сақланиб қолади. Олимларнинг 2004 йилги ҳисоб-китобларига қараганда, дунё сув ҳавзаларига 55 миллиард алюмин канистрлар қўмирган бўлиб, бу кўрсаткич 1972 йилдагига нисбатан 760 фоизга кўп деният. Таркибида токсик ва ацетат целлюлоза моддаси бўлган папирос қолдиги 1 йилдан 5 йилгача йўқолмайди.

Чикинди мине йил яшайди

рада маълум ютуқларга эришилаётти ҳам. Аммо шунга қарамай, муаммолар ҳали-ҳануз тўлалигича ўз ечимини топмаган. Европада чикиндиларни ажратиш амалиёти ўтган асрнинг 80-йилларида фаоллаша бошлаган. Германия бу борада етакчи мамлакат саналади. Бу ерда чикиндиларни тўплайдиган ва қайта ишлаш лари алоҳида санат тармоғи мавжуд. Мазкур қорхоналарда ташиш, йиғиш, ортти, тахлаш ва саралаш ишлари тегишли тартибда олиб борилади. Бу жараён «маҳсуслиция» ходимлари томонидан назорат қилинади.

монига эса қайта ишлаш имкониятини мавжуддигидир. Хозирги кунда аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган турли ижтимоий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қатор ривожланган мамлакатларда чикиндиларни қайта ишлаш учун янги технологиялар жорий қилинмоқда. Айрим давлатларда эса елим халталардан воз кечилаяпти.



моддий рағбатлантирилади. Голландияда эса чикиндини саралаш дастурида фаол иштирок этганларга коммунал тўловларни тўлашда қатор имтиёзлар бериледи. Японияда рўзгор чикиндиларини тозалаб саралайдиган юқори технология ишлаб чиқилган. Қишлоқ жойларида ва хусусий секторда чикитларни саралашда маҳсуслиция механизмидан фойдаланилади. Электрон техника воситаларини ишлаб чиқарадиган фирмалар ўз чикиндиларини йиғиш ва қайта ишлашга мажбур. Мамлакатдаги қайта ишланган чикитлардан қуриши ишларида ҳам фойдаланилади.

Австралияда пиедалар йўлакчаларида на сигарет қолдигига, на бир қоғозга кўзингиз тушади. Жойларга ҳар бир турдаги чикинди учун турли ранглардаги қутилар ўрнатилади: қизил рангис одатий чикиндиларга, сариқ рангис қоғоз ва шиша буюмларга, яшил рангис ўсимликларга, қўқ рангидеги қути эса тиббиёт чикиндиларига мўлжалланган. Органик

чикиндилар учун эса маҳсусли майдончалар ажратилган. Бугунги кунда бир неча қадимчи қангалар бораётган чикинди уюмлари инсониятни ўйланишга мажбур этаётти. Вазиятдан қичиб кетишини йўллари бормикан? Маҳсуслиларни эҳтиётдан ортиқ ишлаб чиқармаслик (ишлаб чиқариш — атраф-мухитга зарар etkазадe), парчаланиши осон, безарар, табиий қадоклардан фойдаланиши, чикиндини қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ҳисобиға масалани ечиш мумкин. Хозирги технологиялар асосида ер остида сақланаётган рўзгор чикиндиларини — қоғознинг 40 фоизини, каттик буюмларнинг 17 фоизини, елимнинг 8 фоизини ва озик-овқат қолдигларнинг 7 фоизини қайта ишлаш имконияти мавжуд. Бирок масала шу даражада жиддийки, бугун битта мегаполис шаҳар йилга инсониятнинг барча тараққийт босқичидагидан-да кўпроқ чикинди чиқармоқда.

Шаҳзод ҒАҒФОРОВ

XX аср табиий фанлар тараққиёти-да кескин бурилиш ясади. Бу жараёнда бионика сингарии янги фанлар вуҳуд-га келди. Бионика қадимги грекча «бион» сўзидан олинган бўлиб, «ҳаёт элементи», «ҳаёт белгиси» маъноларини англатади. Ушбу фаннинг «туғилган» куни сифатида 1960 йилнинг 13 сентябри — «Сунъий системаларнинг жонли прототиплари — янги техниканинг қалитидир» мавзусида ўтказилган биринчи Америка миллий симпозиумининг очилиш куни қабул қилинган.



Бионика биологик системалар ва улар элементларининг тузилиши, фаолияти принципларини ўрганеди. Айни пайтда бионика биология, математика ва техника тармоқларига бўлинади. Шунинг учун ҳам унинг рамзи сифатида хирургик скальпель, интеграл ва электр паяльник олинган.


Бионика фани ёш бўлишига қарамай, катта ютуқларни қўлга кирита бошлади. Бу борадаги дастлабки изланишлардан бири япон олими Тако Инуи томонидан амалга оширилди. У тажриба ёрдамида нок шаклидаги китнинг боши сувда хозирги замон «қирра бурун»ли кемаларга нисбатан қаршиликка кам учрашини аниқлади. Натичада унинг лойиҳаси асосида ишланган «Куренаи Мару» йўловчи ташийдиган пароход дунёга келди.

1963 йилнинг ноябрида Нидзима ороли аҳолиси ўта чуқурликда яшайдиган ва узунлиги 6 метр келадиган балик — «денгиз алвастиси»ни тутишди. Қизғи шундаки, бу тўғрда профессор Ясуо Суэхирога хабар берганларида ҳалигача ўз гипотезасига шубҳа билан қараб келаётган олим ҳазиллашиб: «Демак, яқинда ер қимирлар экан-да», — деб қўйди. Орадан икки кун ўтгач, Я.Суэхиронинг ҳазили рост бўлиб қўқди ва Нидзима районида кучли ер қимирлаши қайд этилди.

Ҳайвотот дунёсида кишини ҳайратга соладиган фактларнинг борган сайин кўпроқ аниқланиши бионика вазибаларининг йил сайин ортишига сабаб бўлмоқда. Куйида келтириладиган бир неча фактлар фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Кўршапалак инфрақизил нурларни бемалол кўра олади, унинг кўзи температуранинг 0,01 даража ўзгаришини ҳам бемалол сезади. Пишиқрувчи илонларнинг термомолкотори эса 0,001 даражадаги ҳарорат тебранишини ҳам «билади».

М.МАМАДАЗИМОВ, профессор

Юртимиз спортчилари халқаро миқёсда эришадиган ютуқларда бадий гимнастикачиларимизнинг ҳам ўрни, ҳиссаси катта. Бу мамлакатимизда мазкур спорт турининг кенг оммалашаётганини кўрсатади. Жорий йилнинг 10 февралда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши йиғилишида бадий гимнастикани янада кенг тарғиб қилиш ва хотин-қизларни унга жалб этишга қаратилган вазифаларнинг белгилаб берилиши ушбу нафис спорт турига бўлган эътибор кўламини янада кенгайтирди.



Спорт

**СОҒЛОМ АВЛОД
МАСКАНИ**

Жамшид ҳозир 15 ёшда, шунга қарамай, қадамидан ўт чақнай-диган навқирон йигитдай бўй-бастли. Мактабда ҳам аъло баҳо-ларга ўқийди. «Спортнинг инсон саломатлиги учун ўта фойдали эканини ҳисобга олиб, ўғлимизни сув спорти турига жалб этишни маъқул кўргандик, — дейди унинг онаси Назоқат опа. — Беш йилдан буён сув спорти маркази машғулотларига қатнайди. Шунданми, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етуқлиги билан бошқа тенгдошларидан ажралиб туради».



Сўнгги йилларда сув спорти ёшларимиз ўртасида тобора ом-малашиб бормоқда. Бу йўлда замонавий спорт мажмуаларининг ўрни катта, албатта. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзининг кенг ом-малашига муҳим ҳисса қўшаётган даргоҳлардан бири пойтахтимизнинг «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида жойлашган ихтисослаштирилган сув спорти саройидир. Умумий майдони 8,5 гектарни ташкил қилган ҳудуд 1 та ёпиқ сув ҳавзаси, 2 та мини футбол, 1 та теннис, 3 та баскетбол ва ҳашар йўли билан бунёд этилган катта футбол майдонини ўз ичига олади. Бунда 7 нафар мураббий, ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, уларнинг саломатлигини бир шифокор ва икки нафар ҳамшира доим назорат қилиб туради.

Чори ака сўзларини яқун-лашшига муҳим ҳисса қўшаётган даргоҳлардан бири пойтахтимизнинг «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида жойлашган ихтисослаштирилган сув спорти саройидир. Умумий майдони 8,5 гектарни ташкил қилган ҳудуд 1 та ёпиқ сув ҳавзаси, 2 та мини футбол, 1 та теннис, 3 та баскетбол ва ҳашар йўли билан бунёд этилган катта футбол майдонини ўз ичига олади. Бунда 7 нафар мураббий, ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, уларнинг саломатлигини бир шифокор ва икки нафар ҳамшира доим назорат қилиб туради.

Аваллари сув ҳавзасида қизларни учратиш мушкул эди. Ҳозир эса сузишга қатнаётганларнинг 30 фоизи қизлар. Бир кун келиб сув ҳавзамиз одамлар билан шунчалик гажум бўли-шини ҳаёлимга ҳам келтирма-гандим...
— Чори ака сўзларини яқун-лашшига муҳим ҳисса қўшаётган даргоҳлардан бири пойтахтимизнинг «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида жойлашган ихтисослаштирилган сув спорти саройидир. Умумий майдони 8,5 гектарни ташкил қилган ҳудуд 1 та ёпиқ сув ҳавзаси, 2 та мини футбол, 1 та теннис, 3 та баскетбол ва ҳашар йўли билан бунёд этилган катта футбол майдонини ўз ичига олади. Бунда 7 нафар мураббий, ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, уларнинг саломатлигини бир шифокор ва икки нафар ҳамшира доим назорат қилиб туради.

Фарзандини сузишга берган ота-оналар кўп вақт ўтмай, уларда катта ўзгаришлар бўлаётгани, авваллари нимжон, иштахасиз юрган фарзанди кейинчалик тетиклашгани, иштахаси очилгани, бўйлари чўзилиб, мускул тизими ривожлангани айтиб қувонишади.
Бу ерга илк бор келган болаларнинг бўйи, оғирлиги ўлчаниб, тана ҳарорати, артериал қон босими текширилади. Шунингдек, баданда тери-таносил касалликлари бор ёки йўқлиги аниқланади. Ана шу текширувлардан муваффақиятли ўтган болаларга сув ҳавзасига киришга руҳбат берилади. Акс ҳолда сувда кутилмаганда, зарарли моддалар тарқалиб, соғлом болаларга юқиси мумкин. Шифокор текширувидан ўтолмаган болаларга эса даволаниш учун йўлланиш ва маслаҳатлар берилади. Сузишга келган болаларда тартиб бўйича аввал душ қабул қилади, кейин тоғорадаги гипохлоридга оёқларини чақди, махсус резина қалпоқ ва шипкаларда бассейнга йўл олади.
Бу каби сув спорти мас-канлари ёшларимизни на-фақат соғлом ва баркамол инсон бўлиб етиштириши ташминлайди, балки уларнинг бекорчиликдан ёмон йўлларга кириб кетишининг олдини ҳам олади. Ўйлай-мики, сузишнинг аҳамияти-ни тушуниб етган ҳар бир ота-она фарзандини, албатта, спортнинг сузиш турига жалб қилади.

ЭЪТИБОРДАН РУҲЛАНИБ

Тошкент вилоят Гимнастика федерациясининг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудда бадий гимнастикани ривожлантиришга доир олиб бораётган ишлари ҳам алоҳида диққатга сазовор. Қайд этиш жоизки, айни пайтда вилоятимизда фаолият юритаётган 108 та бадий гимнастика секциясида 2729 нафар киз шугулланмоқда. Шу ўринда вилоятда турли даражадаги мусобақалар тез-тез ташкил этиб турилишини таъкидлаб ўтиш лозим. Ўз навбатида, бу сингари спорт тадбирлари қизларимизнинг маҳорати ва тажрибасини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Масалан, ўтган йили «Камолот маликалари» спорт мусобақалари ҳар бир шаҳар ва туманда ўтказилди. Ана шундай мусобақаларда тобланган гимнастикачиларимиз нафақат республика миқёсидаги, балки халқаро турнирларда ҳам муваффақиятли иштирок эта бошлади. Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган «Истанбул кубоги» III халқаро турнирида юртимиз шарафни бекободлик Зиёла Жаҳраева ва чирчилик Фотима Давлатова муносиб ҳимоя қилиб, битта олтин ва иккита кумуш медаллар соҳибаси бўлишди.
Яна бир хушxabар: шу йилнинг март ойида Германияда бўлиб ўтадиган халқаро ўқув-амалий машғулот йиғинларида иштирок этиш янгийўллик

Кристина Алимжановага на-сиб этиб турибди.
Бугун Тошкент вилоятида хотин-қизларни спортга жалб этиш, бадий гимнастикани ривожлантириш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Қувонарлиси, улар ижобий самара бермоқда. Умид қиламизки, яқин йилларда вилоятимизда камол топган гимнастикачи қизлар дунёнинг нуфузли мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз довругини янада оширади.

Феруза РАЖАБОВА,
Республика Гимнастика федерацияси
Тошкент вилояти бўлимининг мутахассиси



Ҳар тонг майсалар япроғига эркаланганча инадиган шабнам томчилари Наврўзгулни бугун эрта уйротди. Қуёш ўзининг ёқими, илақ нурлари ила бутун мавжудот бошини аста силар, мусаффо тонг нафасидан огоҳ этарди. Унинг меҳри тафти Наврўзгулни бугун вужудига ором бағишлаб, тетиклантирди. Наврўзгул япроқларини ёйганча керишди. Тонгнинг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди. Сўнг чоратрофга аланглаб, ўздан нарида навниҳол қаддини тиклаб олган Гулқизга кўзи тушди.

Улар Гулқиз билан шу богда вояга етишди, шунда танишиб, аҳду паймон қилишди.
«Биз, гуллар ажойибмизда, — деб уларди баъзан Наврўзгул. — Қай биримизга Оллоҳ беқийёс гўзаллик бахш этади-ю, аммо инсонларни сархуш қил-гувчи ажиб тароватдан кўнглимиз-ни бенасиб айлайди, ёки аксинча. Мана, қаранг — Гулқиз! Балки ким-ларнингдир назаридан унчалар ла-тофатли, унчалар соҳибжамол бўл-маслиги мумкин-дир, аммо унинг бе-такрор ифори бутун боғни сеҳрлаб қўяди...»

Гулбоғ анча катта бўлиб, унда тур-ли гуллардан ташқари ҳар хил мевали, манзарали дарахтлар ҳам бўй чўзган эди. Боғнинг қоқ ўртасидан тор бўлса-да, узундан-узун йўлакча-чалар кесиб ўтган. Ҳар ер-ҳар ерида эса ўриндиқлар кўрк бағишлаб ту-рибди. Бу боғ, ёшларнинг таъбири-ча, учрашув, садақат ёки висол боғи.
— Нега бизнинг дўстларимиз кўринмай қолишди? — Гулқизнинг тўсатдан берган саволи Наврўзгул-ни гўзал хаёллар оғушидан айирди.
— Ҳа, дарвоқе, уларнинг дўстла-ри шундоққина ёнларидаги ўриндиқ-да узоқ-узоқ суҳбат қурувчи, улардек самимий муҳаббат шайдолари —

Садоқат

Йигит ва Қиз эди. Айниқса, қизнинг мафтункор қўшиқлари Гулқиз ва Наврўзгулни лол қолдирарди.
— Ие, анавилар дўстларимизга ўхшаяпти, — деди Наврўзгул узоқ-дан охишта келадиган йигит-қизни кўрсатиб. — Ҳа, ҳа, ўзалари.
Икки маҳбуб қувончдан япроқла-рини бир-бирига уриб чапак чалиб, кийкиришди.
Аммо бугун улар негадир маъсум эдилар. Ўриндиқларнинг биридан кўним топишди. Йигит ниманидир узоқ тушунтирар, Қиз эса бошини куйи солганча, жим тингларди. Мана, келишиди, шекилли. Қиз-нинг ёноқларида табассум ўйнади. Шу пайт Йигит ўрнидан ирғиб тур-ди-да, боғнинг четидан уларга мах-лиё бўлиб туришган Наврўзгуллар томон яқинлаша бошлади.
— Вой, Наврўз ака, дўстимиз биз

томон келаяпти. Қаранг, сизга қўл чўзмоқчи... Вой, йўқ, йўқ, ахир, ун-дай қилманг. На-в-рўзгу-л! Нега?! Улар бизнинг дўстларимиз эдик-ку! Йигит бу фарёдни эшитармиди? Унинг қўлларида жон бераётган Нав-рўзгул сўнгги марта, ҳа, ҳа, сўнгги марта Гулқизга табассум ҳада қилди. Нималар бўлганини англа-май, ҳаёт билан видолашди. Гулқиз эса бутун борлиги билан унга то-мон интилар, ҳар интилганда ерга сингиб кетган илдишчаларининг чирт-чирт узилганини ҳис этар, аммо оғрик сезмасди. Мана бутун кучига таяниб, ниҳоят овоз бўлди. Балки, унинг руҳи шу захотиёқ Нав-рўзгулни топа олгандир.
Йигит эса қўлидаги жонсиз гулни Қизга тўхфа этди...

Нилуфар САФАР қизи

Газетанинг навбатдаги сони 8 март, пайшанба куни чиқади.



Катра

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA
Муассисо:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўқтам МИРЗАЁРОВ
Таҳрир хайъати:
Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ҳулум МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайид УМИРОВ
Шерзод ҲУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38,
236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими:
236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.
Вилоят муҳбирлари:
Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,
Таҳририятга келган хатлар
донимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528
9 772010 752002
Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун — 233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилади.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: **Иномжон АБДИЕВ**
Тошпириш вақти — 21⁰⁰
Тошпирилди — 18⁰⁰
Адади: 13205 Буюртма — Г-255 1 2 3 5